
#Тараддуд_қизғин “АТЛАС БАЙРАМИ” МИЛЛИЙ МАТОЛАР ФЕСТИВАЛИ

Маълумки, жорий йилнинг 20-22 октябрь кунлари Марғилонда “Атлас байрами” бешинчи миллий матола фестивали бўлиб ўтади.

Фарғона вилояти ҳокимлиги, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, “Хунарманд” уюшмаси, Марғилон шаҳар ҳокимлиги томонидан бошқа халқаро ҳамкорлар билан биргаликда ташкил этиладиган ушбу фестиваль Марғилон ипакчилигининг довруғини дунёга танитишда, хунар ва санъатга меҳри баланд инсонларнинг ўзаро фикр ва тажриба алмашишида муҳим ўрин тутиши билан аҳамиятлидир.

Кун кеча ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Сара Ношади бошчилигидаги таниқли мутахассислар ва экспертлардан иборат делегация Марғилон шаҳрига етиб келди. Меҳмонларни вилоят ҳокими ўринбосари Хуршид Аҳмедов ҳамда шаҳар ҳокими Адҳам Зиявитдиновлар қарши олиб, фестивалнинг асосий тадбирлари ўтказиладиган Ижодкорлар боғи майдони, Хунармандлар маркази, Эркин Воҳидов номидаги Ижод мактаби ҳамда Рақамли технологиялар маркази фаолияти билан яқиндан таништирдилар.

Ташриф давомида меҳмонлар фестивал дастури доирасида ўтказиладиган илмий-амалий конференцияни ташкил этиш бўйича ФарДУ профессор ўқитувчилари билан келишиб олишди.

Ушбу фестивалда Марғилонга Бутунжаҳон хунармандлар кенгаши қарори билан Хунармандлар шаҳри мақоми берилиши кутилмоқда.

- “Атлас байрами” фестивали миллий хунармандчиликни ривожлантириш, уни халқаро миқёсда ҳам кенг тарғиб қилиш, уста хунармандлар билан тажриба алмашиш, мамлакатда туризмни ривожлантириш, аҳоли, айниқса, хотин-қизлар бандлигини таъминлашга хизмат қилмоқда, - дейди ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Сара Ношади хоним.

Фестивалда Россия, Хитой, Испания, Франция, Монголия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва бошқа мамлакатларнинг усталари, рассомлари, соҳа мутахассислари иштирок этади.

Таъкидланишича, жорий йилда фестивал дастури сезиларли равишда кенгайтирилган. Унда бутун Ўзбекистондан иштирок этадиган хунармандлар ўз маҳоратини намойиш этади.

Ёш хунармандлар учун таниқли усталар иштирокида анъанавий каштадўзлик, табиий бўяш, либослар дизайни бўйича маҳорат сабоқлари ташкил этилади.

2022-09-24 09:43:06